



ОҚЛОВ ҲУКМИНИНГ НАЗАРИЙ ТУШУНЧАСИ ВА ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

Пирназаров Абдурашид Абдулахаевич

Тошкент давлат юридик университети

мустақил изланувчиси

+998977189868, abdpirnazarov@gmail.com

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i02-p1-11>

ARTICLE INFO

Received: 31th January 2023

Accepted: 09th February 2023

Online: 10th February 2023

KEY WORDS

Далиллар, оқловчи далиллар, адвокат сўрови, суд муҳокамаси, суд тергови, оқлов ҳукми, айблов ҳукми, реабилитация

ABSTRACT

Суд томонидан чиқариладиган оқлов ҳукмлари, уларни тузиш, эълон қилиш тартиби, оқлов ҳукмларни қонуний, асосли, адолатли ва маданиятли бўлишига эришиш, оқлов ҳукмларига қўйилган асосий талаблар – уларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини синчиклаб ўрганиш ва бу тўғрисидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар, фикр-мулоҳазаларни баён этишдан иборат.

Оқлов ҳукми – биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинадиган одил судлов ҳужжати бўлиб, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва тарбиявий аҳамиятига эга бўлган маълум ички (қонунийлик, асослилиқ ва адолатлилиқ) ва ташқи (мутлақлик, мажбурийлик, ўзгармаслик) хусусиятлари билан тавсифланади ҳамда шахснинг унга нисбатан эълон қилинган ва суд муҳокамаси чоғида қўллаб-қувватланган жиноятни содир этишда айбсизлигини (айблилиги исботланмаганлигини) ўрнатади[1].

Судлар оқлов ҳукмини чиқаришга олиб келувчи, жиноий ҳодисанинг ёки жиноят таркибининг бўлмаслиги, жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор эмаслиги тўғрисидаги асослар рўйхати ЖПКнинг 464-моддасида қуйдагича белгиланган. Оқлов ҳукми қуйидаги ҳолларда чиқарилади, башарти:

- 1) жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;
- 2) судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса;
- 3) жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса.

Жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса. Яъни, содир этилганлиги гумон қилинган жиноят айбсиз ҳолда зарар етказиш, маъмурий, фукаровий ёки интизомий ҳуқуқбузарлик ёхуд қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларга асосан жиноий деб баҳоланиши мумкин бўлмаган қилмиш эканлиги аниқланса, оқлов ҳукми чиқарилади.

Судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса. Яъни, судланувчининг қилмишда жиноят таркибининг тўрт элементи - объект, объектив томон, субъект ва субъектив томондан бири мавжуд бўлмаган ҳолларда қилмиш жиноят деб баҳоланмайди. Зеро, ЖК 16-моддасига асосан, ЖКда назарда тутилган



жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этишгина жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса. Яъни судланувчи содир этилган жиноятда иштирокчи сифатида иштирок этмаган, жиноий дахлдорликка алоқаси бўлмаган бўлса ҳам шахс оқланиши лозим. Ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланишича, жиноят бошқа шахс томонидан содир этилганлиги аниқланса, шунингдек, судланувчига қўйилган айблов иш ҳолатлари батафсил текширилганидан кейин ишонарли тарзда ўз тасдиғини топмаса, суд жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаганлик асосига кўра судланувчини оқлайди. Башарти ўша асос бўйича оқлов ҳукми чиқарилганда жиноятни содир этган шахс аниқланмай қолган бўлса, суд бу шахсни аниқлаш ва уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш чораларини кўриш учун ишни ҳукм кучга киргандан сўнг прокурорга юборади.

Ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари институти юзасидан айрим ўзбек олимларигина илмий изланиш олиб борганлар. Ваҳоланки, бу масала ўз мазмун моҳиятига кўра муҳим, зеро унинг замида инсон тақдири ётади[2]. Ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилган айбсиз шахсни жазо ўташи ва ҳақиқатда айбдор бўлган шахсни жазодан қутилиб қолишини тасаввур қилишнинг ўзи қонунга ҳурмат ва эътиқодни сусайтиради. Кеч бўлса ҳам йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш имкони бордир, лекин йўқотилган соғлиқ, бой берилган умр, кадр-қимматни ким қоплайди? Бу ҳолат жамият, давлат манфаатларига ҳам мутлақо зиддир.

Расмий маълумотлар ўрганилганида 2020 йилнинг биринчи ярмида 371 нафар шахс оқланган. 2017 йилдан бошлаб шу кунга қадар республика бўйича оқланганлар сони 3702 нафарга етган.

Оқланган шахслар томонидан асоссиз жавобгарликка тортилиши оқибатида етказилган мулкӣ ва маънавий зарарни ундириш бўйича киритилган даъво аризаларига мувофиқ судлар томонидан 290 та иш кўрилган бўлиб, шундан 267 таси қаноатлантирилган ва бунинг натижасида ноқонуний жиноий таъқиб оқибатида жабр кўрган фуқароларимизга 34 млрд 378 млн.дан ошиқ мулкӣ ва маънавий зарар тўлиқ ундириб берилган[3].

2020 йилда прокурорлар ташаббуси билан турли жиноятларни содир этганликда гумон қилинган 57 киши оқланган. Бу ҳақда Ўзбекистон бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев Сенат ялпи мажлисидаги ҳисоботида маълум қилди.

“Фаолиятимизнинг яна бир муҳим йўналиши бу прокурорларимизнинг судлардаги иштироки билан боғлиқ. 2020 йилда 119 мингта ишлар кўрилишида прокурор иштироки таъминланди, судларнинг 3 мингдан ортиқ ноқонуний қарорлари прокурорлар протестлари асосида қонунларга мослаштирилди.

Бу жами ўзгартирилган ва бекор қилинган суд қарорларининг 31 фоизини ташкил этади. Прокурорлар ташаббуси билан 57 нафар шахсга оқлов ҳукмлари чиқарилди”, дея Ўзбекистон бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев маълумот берди.

Олий суд раиси ўринбосари Холмўмин Ёдгоров охириги 3 йилда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасида ўтказилган ислохотлар ҳақида гапириб, бу борада айрим рақамларни келтириб ўтди.



“Охирги уч йилда 2273 шахс оқланди. Бу адолат қарор топаётгани ва жамиятимизда қонун устуворлигидан далолат беради[4].

Илгари оқлов деган тушунча йўқ эди. Қарор бўлдими, иш ёпиларди.

Шунингдек, ўтган шунча вақт давомида 3500дан зиёд жиноят содир этган ёшлар ва хотин-қизларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди ва улар маҳаллалар ҳамда Ёшлар иттифоқи кафиллигига берилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорида судларнинг эътибори шахс унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда белгиланган тартибда исботлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган айбсизлик презумпциясига риоя этиш зарурлигига қаратиш белгиланди.

Жиноят-процессуал кодексининг 464-моддасига мувофиқ, жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса, жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса суд оқлов ҳукми чиқаради.

Оқловнинг процессуал аҳамияти шундан иборатки, судланувчини оқлаш, адолатсизликни тузатишнинг энг муҳим процессуал усуллари билан бирдир. Унда нафақат дастлабки тергов органлари томонидан қилинган процессуал хатолар тўғрисидаги баёнот мавжуд, балки ушбу хато айбсиз деб топилган судланувчини реабилитация қилиш йўли билан йўқ қилинади. Оқлаб чиқаришда аввалги барча жиноий-процессуал ҳаракатлар сарҳисоб қилинади[5].

Касбий муҳитда оқлаш - бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари - тергов органларига нисбатан танбеҳ, бу профессионал бўлмаганлик, фаолиятнинг номукамаллиги кўрсаткичидир. Ушбу органларнинг мансабдор шахслари, уларнинг ишидаги камчиликлар ва бўшлиқлардир. Дарҳақиқат, суд судланувчининг айбсизлигини аниқ тан олганда, терговчининг ёки прокурорнинг фаолиятини ижобий баҳолаш мумкин эмас. Шундай вазият бўлиши мумкин эмаски, битта масала бўйича қарама-қарши иккита тўғри қарор қабул қилинмайди. Улардан бири нотўғри бўлиши керак.

Жиноят ишлари бўйича суд тизимида оқлов ҳукми қандай ўрин тутишини, бу самарали адолат кўрсаткичи бўладими ёки тергов органлари ишидаги ўзига хос “хато” бўладими, ойдinлик киритиш учун қуйидаги саволларга жавоб бериш керак:

- 1) оқлашнинг айбланувчи ва давлат учун аҳамияти;
- 2) оқлов ҳукми чиқарилишига таъсир қилувчи омиллар;
- 3) қонунчиликда оқланишнинг ўрни.

Айбсиз кишини оқлаш одил судловнинг мақсадларидан бирига тўғри келади. Суд судланувчини оқлаш тўғрисида қарор чиқариши учун жиноят содир этишда судланувчининг айби йўқлиги, воқеа ёки жиноят таркиби йўқлигини аниқлаш керак (ЖПК 464-моддаси). Оқлов судланувчининг айбсизлигини тасдиқлайди. Далилларни белгиланган тартибда текшириш ва ўрганиш (судланувчининг ҳуқуқига зиён этказмасдан), суд барча қабул қилинмайдиган далилларни қабул қилишдан бош тортиши керак. Суд оқлаш тўғрисида қарор чиқараётганда, гўё дастлабки тергов



органлари ва прокуратура томонидан йўл қўйилган хатоларга ишора қилмоқда, бу эса ўз навбатида судланувчининг ҳуқуқларини бузилишига олиб келди. Жиноят-процессуал кодексининг 37-боби тартибида давлат реабилитация қилиш ҳуқуқини амалга оширади, унга жинойи таъқиб билан боғлиқ зарарни қоплаш ҳуқуқи киради[6].

Оқлаш ҳукмига таъсир қилувчи қуйидаги омилларни аниқлаш мумкин: 1. Қонун чиқаришда намоён бўлган амалдаги жинойи сиёсат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш: тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жиноятлар учун жавобгарликнинг асослари, турлари ва миқдори, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва одил судловни амалга оширишнинг бевосита фаолияти. 2. Далилларнинг етарлилиги тўғрисидаги қонуний белгиланган талаблар. 3. Олий суд Пленумининг ҳуқуқий позициялари, яхши йўлга қўйилган суд амалиёти. 4. Дастлабки терговнинг сифати. 5. Суд жараёни учун махсус процедура. 6. Жамоатчилик фикри оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари таъсири остида шундай шаклланадики, оқлов образи биринчи навбатда суднинг холислиги билан боғлиқ бўлади.

Ривожланган давлатларда дастлабки тергов муассасаси суд томонидан суд ҳукми чиқарилишига ҳисса қўшади, деб ҳисоблашади. Чунки, масалан, жиноят тўғрисидаги хабарни текширгандан сўнг, улар жиноят таркиби ёки ҳодиса йўқлиги сабабли жиноят ишини қўзғатишдан бош тортадилар.

Энди адолат тушунчасининг ўзига бироз тўхталсак. Адолат – ижтимоий ҳаётга, жамият аъзоларининг ўзаро муносабатларига оид юксак қадрият. Шу боисдан уни кўпинча “ижтимоий адолат” ибораси билан таърифлайдилар. Дарҳақиқат, адолат фақат ижтимоий бўлиб, қандайдир табиий, сунъий, техникавий, соҳавий эмаслиги шубҳасиз.

Умуман, адолат ахлоқ ва ҳуқуқ категорияси сифатида ахлоқий-ҳуқуқий муносабатларни назорат қилиб турувчи, одамларнинг фаолиятига баҳо берувчи зарурий ўлчовдир.

Адолат – инсоннинг энг эзгу нияти, баъзан ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи омилдир. У инсоннинг доимий ҳамроҳи сифатида ўтмишда саноксиз зиддиятларга бардош берган, машаққатларда тобланган, турли гирдоблардан адашмай, равон йўлида илдам қадам ташлаётгани учун ҳам эъзозланади. Ҳуқуқ соҳасида адолат, нафақат асосий мезон, балки қонуннинг устуворлигига эришишнинг қудратли воситаси, ҳуқуқни муҳофаза қилишга қаратилган фаолият ва суд ҳокимиятининг бирдан-бир, ягона суянчиғидир. Шунинг учун бўлса керак, 1994 йилда мустақил Республикаимизнинг янги ЖПК қабул қилингунга қадар “адолат” атамасидан процессуал қонунларда умуман фойдаланилмаган (1959 йилдаги ЖПКнинг 280-моддаси). Таъкидлаш жоизки, то 1990 йилгача ҳуқуқ назариясига бағишланган дарсликларда, илмий асарларда, юридик энциклопедия ва луғатларда “адолат” атамасига ўрин берилмас эди[7].

References:

1. (Файзиев Ш.Ф. Нравственные основы досудебной уголовно-процессуальной деятельности в Республики Узбекистан // Судебная власть и уголовный процесс. 2015. № 4. С. 141-145).



2. Bazarova D. Presumption of Innocence-A Criminal Procedural Guarantee as A Component of the System //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 14.
3. Bazarova, D. (2021). On assurance of rights and interests of the victim in criminal proceedings of the republic of uzbekistan. PhD in Law, 1(1), 1-11.
4. Uralov Sarbon Sardorovich. (2023). PREJUDICE IS THE FINAL KEY TO EVALUATING EVIDENCE IN CRIMINAL PROCEEDINGS. World Bulletin of Management and Law, 18, 55-57. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wbml/article/view/1931>
5. Suyunova D. J., Koniushenko Y. Y., Nguindip N. C. A Comparative Understanding of Criminal Liability Formation for Crimes Against Women in Uzbekistan and Cameroon //Ius Humani, Revista de Derecho. – 2021. – Т. 10. – С. 129.
6. TULAGANOVA G. GUARANTEED TRUE INDEPENDENCE OF JUDGES //ИНТЕРНАУКА Учредители: Общество с ограниченной ответственностью "Интернаука". – С. 59-60.
7. Алишаев С. Т. ЖИНОЯТ ИШИНИ СУД МУҲОКАМАСИГА ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2022. – Т. 7. – №. 11.